

ЗАМОНАВИЙ ФИЗИКА ҶУКИТУВЧИСИНИНГ УСЛУБИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИ: МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10027729>

Абдуллаев Жамолiddин Солижонович

Аннотация

Ушбу мақолада замонавий физика ўқитувчисини услубий тайёргарлиги ривожлантириш, бу борадаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йуллари ҳақида суз юритилади.

Калит сўз

билим, малака, услуб, метод, шакл, педагогик технология, ахборот технологияси. муаммоли ўқитиш, модулли ўқув машғулоти, лойҳалаш, компьютер, электрон восита, Интернет, электрон қуланма, лаборатория иши

Республикамизнинг ҳар томонлама тараққий этиши таълимнинг ривожланишига ва мазмунан такомиллашиб боришига боғлиқ. Бугунги кунда таълим сифат самарадорлигини ошириш энг долзарб масалалардан бири бўлиб хисобланмоқда.

Бугунги кунда Олий таълим муассасаларида таълим сифатини оширишга, республикада амалга оширилаётган ислохотлар. ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги янгилашниларда ушбу муассасаларнинг фаол иштирокини таъминлашга тўсик бўлаётган бир қатор муаммолар сақланиб қолинаётганлигига алоҳида урғу берилган.

Кейинги йилларда услубий жихатдан кучли физика фани ўқитувчиларни тайёрлаш. уларга бўлган эҳтиёжларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш ҳамда касбий мослашувчанлигини таъминлашни давр тақозо этмоқда. Бу замонавий ўқитиш технологиялари асосида физика фани ўқитувчисини услубий тайёргарлигини ривожлантириш, уларни амалиётга жорий этиш орқали бу жараёнда мавжуд муаммоларни олдиндан кўриш ва уларни ҳал этишни кўзда тутати.

Бугунги кунда физика ўқитувчисини услубий тайёргарлигини ривожлантиришда ўз ечимини кутаётган бир қатор муаммолар мавжуд, улар:

- физика фани ўқитувчиларининг педагогик технологиялардан хабардорлиги тула қондирилмаётганлиги;

- ўқитувчиларнинг услубий тайёргарлиги, ўқитишнинг мазмун, мохияти, шакл, метод, воситаларини билишда талаб этиладиган билим ва малакаларнинг етишмаслиги;

- физика фани ўқув дастури ва режасидаги мавзуларни интеграциялашнинг талаб даражасида эмаслиги ва бошқалар.

Шундай экан, замонавий ўқитиш технологиялари шароитида физика фани ўқитувчисининг услубий тайёргарлигини ривожлантириш асосий вазифалардан бирига айланмоғи даркор. Чунки, мазкур муаммоларни хал қилиш ўқитувчиларга, уларнинг услубий тайёргарлигига, касбий фаолиятини самарали ташкил этишига боғлиқ. Шунинг учун ўқитувчининг услубий тайёргарлигини ривожлантириш жараёнини лойиҳалаш ва уни амалга оширишга етарли эътибор бериш керак, жумладан:

- ўқитувчининг услубий тайёргарлигини ривожлантиришга амалий жихатдан ёндашиш;

- ўқитиш технологиялари, методлари, шакллари ва улардан ўз ўрнида фойдаланиш масалаларига физика фани ўқитувчилари томонидан эътиборни кучайтириш;

- ўқитувчининг услубий тайёргарлигини шакллантириш структурасини такомиллаштириш;

- мазкур тайёргарликни ривожлантиришни фаоллаштириш учун уларни рағбатлантириш йулларини ишлаб чиқиш;

- физика фани ўқитувчиларини кўпроқ зфмонавий илмий-тадқиқот ишларига йуналтириш;

- ўқитувчининг самарали услубий тайёргарлигини ривожлантириш методикасини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ қилиш.

Демак, физика фани ўқитувчисини замонавий ўқитиш технологиялари асосида услубий тайёргарлигини ривожлантириш бугунги кунда долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Бунда замонавий ўқитиш технологиялари муҳим ҳисобланади. Республикамиз таълим амалиётига ушбу жумладан, лойиҳалаш, муаммоли, модулли, эвристик каби технологияларнинг кириб келишини ва улардан кенг фойдаланиш заруратини куйидагича изоҳлаш мумкин:

- таълим соҳасида 2016-2018 йиллар мобайнида Президентимиз томонидан чиқарилган фармон, қарор ва фармойишлар, уларга мос ҳолда мақсадга мувофиқ ислохотларнинг амалга оширилаётганлиги;

- хориж тажрибаларини ўрганишга мотивациянинг кучайганлиги;

- таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг кучайиши;

- ўқитишга ноанъанавий ёндашиш кераклиги ва бошқалар.

Амалга оширилаётган ислохотлар таълим сифати ва самарадорлигини тубдан ўзгартириш, такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Бу ҳозирда асосий вазифалардан бири бўлиб. замонавий ўқитиш технологиялари асосида физика фани ўқитувчисининг услубий тайёргарлигини ривожлантиришни ташкил этиш. унинг йўллари аниқлаш, янги шароитларга мувофиқлаштириш ва амалиётга жорий этиш вазифаларини белгилайди.

Физика ўқитиш методикаси фанининг асосий вазифалари сифатида унинг мақсадларини асослаш, тарбиявий аҳамиятини кўрсатиб бериш; мазмуни ва тузилишини аниқлаш ҳамда уни такомиллаштириб бориш; унга мос назариясини ўзлаштиришнинг муҳим қонуниятларини ўрганиш, физика фани ўқитувчиларини малакали қилиб тайёрлаш, ўқитишнинг самарали шакл, метод, воситаларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга татбиқ этишларни кўрсатиш мумкин.

Мазкур фаннинг мақсадларини қуйидагича ифодалаш мумкин: асосий тушунчалари, қонунлари ва назариялари билан физика фани ўқитувчиси онгида бизни қамраб олган оламнинг табиий-илмий манзарасини шакллантириш, илмий-амалий текшириш методларининг асосларини эгаллаш; амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш, ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрлаш. Бу фаннинг мазмуни, ҳажми, тузилиши ўқитишнинг мақсадларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Илмийлик даражаси ҳозирги замон тараққиёт даражасига мос келиши. ҳажми ва баён этилишининг чуқурлиги бўйича содда. тушунарли бўлиши керак. Мазкур фаннинг тадқиқот методлари мавжуд бўлиб, уларга олий таълим умумий масалаларининг таҳлили ва уларни ҳал этишда:

- физика ўқитиш методикаси фанининг ўқув предмета сифатидаги ўрнини аниқлаш:

- илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва умумлаштириш;

- педагогик амалиёт масалаларини қиёсий таҳлил қилиш;

- бу фанни ўқитиш жараёнининг таҳлили, дарсликларга, ўқитиш воситаларига, методик қўлланмаларга дидактик талабларни ишлаб чиқиш;

- дастурларни, дарсликларни, қўлланмаларни. улар билимларини қиёсий таҳлил қилиш асосида мазкур фанни ривожланиш тенденциялари ва қонуниятларини аниқлаш;

- инновацион механизмларни билиш, уларни тажрибада текшириш кабилар киради.

Таълимни ривожлантириш механизмлари ўз ичига барча таълим муассасаларида ижодий мухит яратиш, талабаларда ташаббус ва янгиликларга қизиқиш уйғотиш; турли янги нарсаларни қабул қилиниши ва амал қилиши учун зарурий шарт-шароитларни ҳамда изланувчан таълим технологияларини яратиш. уларни амалиётга татбиқ этишни олади.

Замонавий ўқитиш технологиялари асосида физика фани ўқитувчисининг услубий тайёргарлигини ривожлантиришда аввало. кўзланган мақсадларга эришишда истиқбол мақсад ва имкониятларни ўқитувчилар манфаати билан уйғунлаштириш, бу фаолиятни замонавий ўзгаришларга мослаштириб бориш. таълим технологияларини жорий этишни назарга олувчи стратегик дастурларни ўқитиш жараёнига жорий қилиш лозим. Бу ўз навбатида мақсадларга эришишда. ривожланишга таъсир этувчи омилларни олдиндан таҳлил қилиш ва умумлаштириш, юксак ғоялар ва уларни амалга ошириш йўналишида зарурий билим, кўникма ва малакаларни талаб қилади. Таълим тизимини ривожлантириш йўналишида амалга оширилаётган ислохотлар барча ўқитиш жараёнини илмий асосда ташкил эташ ва замонавий ўқитиш технологиялари асосида физика фани ўқиту вчисининг услубий тайёргарлигини ривожлантиришда сўнгги фан-техника ютуқларига асосланган самарали методлардан фойдаланишни, бу йўналишда билим ва касбий малакаларни талаб қилади.

Бир қатор олимларнинг илмий ишларида таълим соҳасини ривожлантириш йўналишида, шунингдек. уларни замонавий ўқитиш технологиялари асосида услубий тайёргарлигини ривожлантиришда бугунги кунда ҳам муҳим аҳамиятга сазовор бўлган тажрибалар, илмий ғоялар ўз ифодасини топган бўлиб, улардан ижодий фойдаланиш замонавий физика фани ўқитувчисини тайёрлашда ўзига хос аҳамият касб этади.

Замонавий ўқитиш технологиялари асосида физика фани ўқитувчисининг услубий тайёргарлигини ривожлантиришнинг ўзиёқ бир қанча вазифаларнинг бажарилишини, яъни уларга зарурий шароитларни яратиш, назорат қилиш, таҳлил қилиш, умумлаштириш ва баҳолаш. шунингдек, мазкур жараённи амалга ошириш учун моддий-техника базасини яратиш ва мустақкамлаб бориш, янги педагогик ва ахборот технологиялари билан қуроллантириш, малакали педагоглар билан таъмин лаш каби қатор вазифаларни ҳам амалга оширишни назарда тутати.

Шундай экан, улар нафақат педагогик тажрибага эга бўлиши, балки замонавий ўқитиш технологиялари мақсад ва вазифалари, шакллари, методлари, воситалари ва улардан фойдаланиш йўллари ҳам мукамал

билишлари керак. Бошқача айтганда, мазкур технологиялар бу фаолият турини ташкил этишни, уларнинг имкониятларидан туғри фойдаланишни. назорат қилишни билдиради. Бу технологиялар энг аввало билимни ўзлаштириш, унга кизиштириш, ўзига ишониш туйғуларини ривожлантириш, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлашга кўмаклашиш. янгиликка, ташаббускорликка, тадбиркорликка ва ижодкорликка чорлашга қаратилган.

Шундай қилиб, замонавий ўқитиш технологиялари асосида физика фани ўқитувчисининг услубий тайёргарлигини ривожлантириш муаммолари ва вазифаларин ўрганиш уларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш. шунингдек муаммоларни бартараф этиш ҳамда вазифаларни бажариш асосида аввалдан машғулот мавзуларини лойиҳалаштириб олиш мумкин. Бу замонавий физика фани ўқитувчисининг услубий тайёргарлигини ривожлантириш ва такомиллаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. To'xtasinov, D. F., Gafurova, M. A., & qizi Abdullayeva, S. H. (2023). BOSHLANG 'ICH SINFDADA IJODIY TAFAKKURNI RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK ASOSLARI. Educational Research in Universal Sciences, 2(4), 729-733.

2. To'xtasinov, D. F., & qizi Abdupattoyeva, D. A. (2023). BOSHLANG 'ICH SINF O 'QUVCHILARINING GEOMETRIK TASAVVURINI SHAKLLANTIRISHDA FOYDALANILADIGAN METODLAR. Educational Research in Universal Sciences, 2(4), 771-773.

3. To'xtasinov, D. F., & qizi Abdullayeva, S. H. (2023). MATEMATIKA DARSLARIDA IJODIY TAFAKKURNI RIVOJLANTIRISH SHARTLARINING DIDAKTIK KOMPLEKSINI AMALIYOTDA QO'LLASH YO'LLARI. Educational Research in Universal Sciences, 2(2), 613-616.

4. Алимов, Н. Э., Ботиров, К., Мовлонов, П., Отажонов, С. М., Халилов, М. М., Эргашев, О., & Якубова, Ш. (2016). Изучение деформационных эффектов в нанокристаллических фоточувствительных активированных тонких пленках р-CdTe. Журнал физики и инженерии поверхности.

5. Отажонов, С., Алимов, Н., Мовлонов, П., Ботиров, К., & Юнусов, Н. (2020). УПРАВЛЕНИЕ ФОТОЧУВСТВИТЕЛЬНОСТИ ГЕТЕРОСТРУКТУРЫ

CdTe-SiO₂-Si-Al С ГЛУБОКИМИ ПРИМЕСНЫМИ УРОВНЯМИ ПОД ДЕЙСТВИЕМ ВНЕШНИХ ФАКТОРОВ. Danish Scientific Journal, (37-1), 35-37.

6. Отажонов, С. М., Мовлонов, П. И., Юнусов, Н., & Мамажонов, У. М. (2022). РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ НИЗКООМНЫХ БАЗОВЫХ СЛОЕВ А₂В₆ МЕТОДОМ ТЕРМОВАКУУМНОЙ КОНДЕНСАЦИИ И ХИМИЧЕСКИМ ОСАЖДЕНИЕМ. Universum: технические науки, (3-6 (96)), 5-9.

7. Мирзажонов, М. А., Мовлонов, П. И., & Отажонов, С. М. (2013). ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ СОЛНЕЧНЫХ ЭЛЕМЕНТОВ НА ОСНОВЕ CU₂-XS-CDS С ГЛУБОКИМИ ПРИМЕСНЫМИ УРОВНЯМИ. SCIENCE AND WORLD, 14.

8. Мирзажонов, М. А., Мовлонов, П., & Отажонов, С. М. (2013). ИССЛЕДОВАНИЯ ПРОЦЕССА ФОТОУТОМЛЯЕМОСТИ И ВОЛЬТАМПЕРНЫХ ХАРАКТЕРИСТИК СОЛНЕЧНЫХ ЭЛЕМЕНТОВ НА ОСНОВЕ CU₂-X S-CDS. SCIENCE AND WORLD, 13.

9. Qodirov, X. A., & Tulakova, S. R. (2023). ELEKTROMAGNETIZM: ELEKTR VA MAGNITLANISH O'RTASIDAGI ALOQANI O'RGANISH. Research and implementation.

10. Qodirov, X. A., & Tulakova, S. R. (2023). FIZIKADA MAGNITLANISHNING UMUMIY KO'RINISHI: MAGNIT MAYDONLAR NAZARIYASIDAN QOLLANILISHIGACHA. Research and implementation.

11. Юнусов, М. С., Каримов, М., Аликулов, М., Ахмадалиев, А., Оксенгендлер, Б. Л., & Сабиров, С. С. (1997). Об особенностях радиационного дефектообразования в p-Si(В, Pt). Физика и техника полупроводников, 31(6), 722-723.

12. Сабиров, С. С., Хайдаров, К. Х., & Гулин, А. В. (1986). Синтез и нейтропная активность серосодержащих винилацетиленовых карбинолов. Хим. фарм. журн, 20(2), 154.

13. Сабиров, С. С., Файзилов, И. У., Хайдаров, К. Х., & Алиджонов, У. (1984). 6, 7-диметил-2-ундекен-4-ин-1, 6, 7-триол, обладающий желчегонной активностью.

14. Сабиров, С. С. (1969). Синтез трехатомных третичных спиртов диацетиленового ряда (Vol. 12, No. 11, pp. 19-21). ВИ Никитин//Докл. АН Тадж. ССР.

15. Сабиров, С. С., & Никитина, Л. Л. (2022, May). ОСОБЕННОСТИ БЕСКОНТАКТНЫХ СПОСОБОВ ИЗМЕРЕНИЯ СТОПЫ. In Новые технологии

и материалы легкой промышленности: VIII Международная научно-практическая конференция (p. 138). Litres.